



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 24-iyul, payshanba, 29 (557)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний кадрларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2014 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 28 июль душанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2014 йил 28 июль куни дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2014 йил 23 июль

Қизгин муҳокама ва фаол мунозаралар

O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги ййгилишида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга доир бир нечта қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда муҳокама этилди

Депутатлар ўз ишини «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишдан бошладилар. Маълумки, «Мамлакатимизда демократик ис-


лохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича илгари сурилган ташаббуслар мазкур тизимни янада демократлаштиришга хизмат қилмоқда.

2 >>>

Дахлдорлик ҳаракатлари

Демократик бошқарув тизимини доимий равишда такомиллаштирган ҳолда бугунги ҳаёт талабларига мувофиқлаштириб бориш мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Юртбошимизнинг қонунчилик ташаббуси асосида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса бу жараённи сифат жиҳатдан тамомла янги босқичга кўтарди.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидан O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилган назорат-таҳлил фаолияти



3 >>>

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш ишлари йилдан-йилга жадал тус олмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида республикамизнинг 147 та туманида 10 мингта ана шундай лойиҳа асосида уй-жой қад ростлагани, мана шу эзгу тadbир бошланганидан буён эса 33 минг 557 оила янги уйларда бахтли ва фаровон ҳаёт кечириб, яхши кунларини ўтказаётганини инобатга олсак, бу хайрли ташаббуснинг аҳамияти нақадар юксак эканлиги ойдинлашади. Бундай бахтли оилалар сони жорий йилда янада кўпаяди.



AKS-SADO

«Даламизга келиб, ҳорманг, деганлари билан тенг»

Пойтахт вилояти галлакорлари 115 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 57 центнердан ҳосил олишга эришдилар. Чиноз, Юқоричирчик, Ўртачирчик туманларида бу кўрсаткич қарийб 60 центнерни ташкил этди. Энг илғор хўжаликларда ҳосилдорлик 70-80, ҳатто 90 центнерга етказилди

O'zLiDeP ҳамда Фермерлар кенгаши томонидан Тошкент вилоятида Президентимизнинг галлакорларга йўллаган табригидан руҳланиб ўтказилган тadbирда ана шу рақамлар алоҳида тилга олинди.

— Бундай салмоқли натижаларга эришишимизнинг бош омилли фермерларга катта эътибор қара-

тилаётганидир, — деди Янгийўл туманидаги «Ситорахон» фермер хўжалиги раҳбари Анвар Рашидов. — Аввало, галланинг юқори ҳосил берадиган нав уруғлари етказиб берилаётганини таъкидлаш жоиз. Ўғит, техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишда лизинг ҳамда имтиёзли банк

кредитларидан фойдаланаяпмиз. Ана шундай эътибор туфайли ҳар йили галла ҳосилдорлиги ортиб бораёпти. Масалан, ўтган йили гектаридан 80 центнерга яқин ҳосил олган бўлсак, бу йил 127 гектар ерда 90 центнердан сара дон етиштирдик.

2 >>>

Машаққатли меҳнат эътирофи

Кундалик ҳаётимизда бирор-бир неъмат нонинг ўрнини босолмайди. Шу маънода ўз дони, беминат нонига эга бўлган халқ энг бадавлат халқдир. Нонинг сероблиги кўнгил тўқлигидан, дастурхон ободлигидан далолат беради. Шу боис унинг ҳар ушогини қадрлаб, кўзга сураимиз. Ҳали-ҳали эсимизда: саховатли заминимиз, чексиз имкониятларимиз бўла туриб, галла масаласида четдан «ёрдам» кутишга мажбур эдик



Камол АСАНБОВЕВ, Юқоричирчик туманидаги «Тангриберди ота» фермер хўжалиги раҳбари

Шукрки, у кунлар орда қолди. Мустақиллик шарофати билан барча соҳада адолат қарор топди. Хусусан, Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон қисқа даврда иқтисодий қарамликдан қутулиб, ҳатто дон экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой олганлиги ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди. Агрсноат тизимиде бозор муносабатларини чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама

кўллаб-қувватлаш, ерга ва мулкка нисбатан янги-ча муносабатни шакллантириш, меҳнатдан манфаатдорликни ошириш эришилаётган ютуқларнинг асосий омилли бўлмоқда, десак асло хато қилмаймиз.

Мана, кечагина яна бир қувончли воқеанинг шохиди бўлди. Юртимиз галлакорлари 8 миллион 50 минг тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олиб, йиллик шартнома мажбуриятини ортиги билан адо этдилар. Уртача ҳосилдорлик 55 центнерни ташкил этди.

3 >>>

МУҚАДДАС ОСТОНА

XXIII
КИМ ЭДИГУ
КИМ БЎЛДИК?

Шўро даврида қишлоқ аҳолисининг топгани рўзгор, тирикчиликдан ортмас, шу боис кўпчилик паҳсадан қурилган омонат, лойсувоқ уйларда яшашга мажбур эди. Энди-чи?

Инсон зоти борки, ўз шаъни, қадр-қиммати, миллий ғурурини ҳамма нарсадан улуг санаиди. Бу туйғу унинг онгу тафаккурига муқаддас она сути билан кирган, десак асло янглишмаймиз. Зеро, фарзанд учун она нечоғлик ардоқли бўлса, Ватан миллат учун шунчалик азиз ва муқаррамдир. Эҳтимол, муқоясамиз бир қарашда эриш туялар. Бирок муҳими бу эмас. 23 йил муқаддам қўлга киритилган бебаҳо неъмат — миллий бутақиллик мамлакатимиз, халқимиз тарихида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Унинг асл моҳиятини идрок этиш учун босиб ўтилган мураккаб, айна чоғда шарафли йўлга бирров назар ташлашнинг ўзи кифоя. Ким эдигу ким бўлди? Масала ана шунда. Бугун тенглар ичра тенг эканлигимиз сизу биз учун энг олий саодатдир.

Истиклол шарофати билан миллатимизнинг довуғи доvon ошди, ўзлигини янада теранроқ англай бошлади. Маъмурий-бўйруқбозликка асосланган тоталитар тузум даврида кўп қийинчилик кўрган Ўзбекистон тарихан қисқа мuddатда ўз қадди ва қадрини тиклаб, барча соҳада эришаётган оламшумул ютуқлари билан жаҳон ҳамжамиятининг ҳавасу ҳайратини уйғотмоқда. Жумладан, «Gallup World» халқаро тадқиқотлар марказининг аҳоли учун соғлом ва тўлақонли турмуш тарзини яратишга оид рейтинг буйича Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллади ва айни соҳада Франция, Япония, Финляндия, Италия, Буюк Британия каби жаҳоннинг ривожланган мамлакатларини ҳам ортда қолдирди. Бу, шак-шубҳасиз, пухта ўйланган ва узоққа мўлжалланган ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

3 >>>

Бугунги сонда:

3
Ислохот
Шуманайда сут
қайта ишланади

4
Муносабат
Ишбилармон
талабалар
сафи тобора
кенгаймоқда

5
Қуй
бўғинларда
Масъулият ва
бурч —
мақсадга
элтувчи куч

8
Бунёдкорлик
Марказий
Осиёдаги энг
узун туннель

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 22 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	2186.84
1 Англия фунт стерлинги	3980.22
1 Дания кронаси	423.09
1 БАА дирҳами	633.88
1 АҚШ доллари	2328.16
1 Миср фунти	325.62
1 Исландия кронаси	20.38
1 Канада доллари	2169.97
1 Хитой юани	375.17
1 Россия рубли	66.21
1 Украина гривнаси	199.86
1 Малайзия ринггити	733.74
1 Польша злотийси	759.94
1 СДР	3588.02
1 Туркия лираси	1095.91
1 Швейцария франки	2595.21
1 ЕВРО	3172.31
10 Жанубий Корея вони	22.67
10 Япония иенаси	230.01

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Дахлдорлик ҳаракатлари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Махмуд ИНОЯТОВ, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори бош консультанти

Бу, энг аввало, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг жойларда ислохотлар самарасини оширишга ҳалақат бераётган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очиқ-ошқора ва амалий рўхда муҳокама қилиш, зиммасига юклатилган мажбуриятларни уддалай



олаётган ижро органлари раҳбарларининг фаолиятига баҳо бериш учун мустақкам ҳуқуқий асос яратилганида яққол намоян бўлади.

Ўзбекистондаги сийёсий кучлар орасида етакчи мевкега эга бўлган O'zLiDeP ҳам Сайловда платформасидаги мақсадларни амалга ошириш ва ўз электорати манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда депутатлик корпусининг самарали фаолиятига таянади, албатта. Бинобарин, партиянинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, депутатлик назоратининг барча шаклларида унумли фойдаланиш борасида депутатлик гуруҳлари фаолиятида тўланган ижобий тажриба йил сайин такомиллашиб бормоқда. Биргина назорат-таҳлил фаолиятини оладиган бўлсак, 2013 йил давомиди 139 та, 2014 йилнинг олти ойи давомиди эса 108 та тадбир ўтказилганини кўришимиз мумкин.

Шундай бўлса-да, 2014 йилнинг олти ойи давомиди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Наманган, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятларининг айрим туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан бирор маротаба назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилмаганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Улар бундан тегишли хулоса чиқариши, яъни олиб борилган депутатлик назорати натижасида жойларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тadbиркорликнинг кенг қулоч ёйишига ҳала бераётган омилларни бартараф

этиш юзасидан O'zLiDeP депутатлик гуруҳларининг амалий таклифлари халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан маъқулланиб, улар юзасидан ижро ҳокимияти идоралари зарур чора-тадбирларни амалга ошираётганини теран англаши керак.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида 2013 йилда депутатлик гуруҳлари томонидан киритилган таклифларнинг 53 таси сессияларда муҳокама этилиб, қарорлар қабул қилинганлиги ва ушбу рўхда муҳокама қилиш, зиммасига юклатилган мажбуриятларни уддалай

вомида эса 28 та таклиф сессияларда атрофлича кўриб чиқилганлиги юқоридаги фикрларимизни яна бир қарра тасдиқлайди.

Бошқача айтганда, қилган масалалар юзасидан депутатлик гуруҳларининг аниқ позицияларини ифода этувчи, энг аввало, электорат манфаатларини кўзлаган ҳолда жойларда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ўзгаришларнинг ижтимоий аҳамиятини оширишга хизмат қилувчи конструктив ёндашувлар баён этилганлигини кузатиш мумкин.

Аниқ мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2014 йилнинг биринчи ярмида O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан партия электорати манфаатларини муҳофазалаш, жойларда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини янада такомиллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга доир қонунлар ва Давлат дастурлари ижроси юзасидан ижро ҳокимияти мансабдор шахсларининг 223 та эшитиш ўтказилди.

Маҳаллий ҳокимликлар ва ҳудудий бошқарув органлари раҳбарлари номига 1200 дан ортқик депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг аксариятига асослантилган маълумотлар ҳамда мазкур мутаасдиларнинг нуқтаи назарини баён этувчи ахборотлар олинди. Бу борада Бухоро, Фарғона, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳларининг ишини алоҳида қайд этиш керак. Шунингдек, Жиззаҳ, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги депутатлик гуруҳларимиз ҳам ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ри-

вожлантириш дастурлари киритилган лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашаётганлар.

Кези келганда, тadbиркор ва фермерларга маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш ва янги иш ўринлари очишга доир лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашилганлигини ҳам депутатлик гуруҳлари фаолиятининг амалий маҳсули сифатида баҳолаш ўринлидир.

Лекин ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларининг ҳудудларни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари юзасидан ҳисоботларини депутатлик гуруҳларида эшитишдек ижобий тажрибадан жойларда етарли даражада фойдаланилмаётгани ҳам ҳақиқат. Жорий йилнинг биринчи ярми йиллигида Қашқадарё вилоятининг Қарши, Муборак, Деҳқонобод, Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё, Музработ, Шеробод, Хоразм вилоятининг Шовот, Янгибозор, Наманган вилоятининг Чортоқ, Ҳўйчи, Учқўрғон туманларида депутатлик эшитувлари ўтказилмагани ҳам бор гап.

Зиммасидаги масъулиятни яхши англаган депутатлар эса ўз ваколатлари доирасида партия электоратини ўйлантираётган муаммоларни муҳокама этиш, ижро ҳокимияти идоралари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳалар ижроси юзасидан ҳисоботларини тинглаш ва уларнинг яқунлари бўйича аниқ позицияни белгилувчи амалий таклифлар ишлаб чиқишга катта эътибор қаратмоқдалар.

Бу борада сўз юритганда халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг ақинда бўлиб ўтган йилги маҳаллий муҳокама этилган масалани мисол қилиб келтириш мумкин. Унда вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган замонавий корхоналарни қуриш, мавжудларни модернизациялаш, техника ва технология жиҳозлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари А.Мамировнинг ахбороти эшитилди.

Таъкидлашнича, Жиззах вилоятда тасдиқланган манзилли дастур асосида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014 йилда вилоятда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 6 минг тонна бўлган 13 та мева ва сабзавот, 7 та гўшт маҳсулотлари, 10 та сутни қайта ишловчи корхона барпо қилиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг дастлабки 5 ойида ана шундай корхоналарнинг 11 таси ташкил этилиб, 120 та янги иш ўрни яратилди. Қувонарли томони шундаки, ҳудудлардаги агросаноат

ва sanoat ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 75 нафардан ортқики эгаллаган мутахассисликлари бўйича мазкур корхоналарда иш билан таъминланди.

Йилгилишда сўзга чиққан депутатлар (Н.Пардаев, М.Сайдахмедова, П.Зиёдов, Д.Йўлдашева) таъкидлаганидек, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда катта имкониятлар мавжуд бўлиб, айниқса, аҳолининг шахсий ёрдамчи ва томорқа хўжалиқларидан унумли фойдаланиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамжони яна бир неча маротаба кўпайтириш мумкин.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг йилгилишида эса 2014 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилди. Кун тартибидидаги масала юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Раббитова, ТИФ «Миллий банк» Сама-



рқанд вилоят бўлими бошлиги ўринбосари Отабек Тўхтаев, вилоят «Ипотека банки» кредит бўлими бошлиги Обид Уроқов, «Асака» банк кредит бўлими бошлиги Бекумрод Суяровнинг ахборотлари тингланди.

Қизғин мунозараларга сабаб бўлган эшитувда «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида аёллар тadbиркорлиги ва оилавий тadbиркорликни ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича вилоятда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, ишбилармон аёлларга имтиёзли кредитлар ажратилиши масалалари депутатларнинг диққат марказида бўлди.

Ҳисоботларда қайд этилишича, дастурга асосан тижорат банкларининг Самарқанд вилояти филиалларида 4 млрд. сўмдан ортқик кредит ресурсларини хотин-қизлар бандлигига йўналтириш назарда тутилган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунгача 2,1 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, вилоятда 340 нафардан ортқик аёлнинг тadbиркорлик фаолияти ривожлантирилди.

Вилоят марказида олисда жойлашган Нурабод, Пахтачи, Қўшработ,

Нарпай туманларида «Бўлажак тadbиркор аёллар мактаби» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Аёл тadbиркорлар ўртасида «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танловини ўтказиш, ижтимоий аҳамиятга молик бизнес-режаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Депутатлик гуруҳларимизнинг ҳудудларда тadbиркорликни кенгайтириш, ёшлар ҳамда аёлларнинг ишбилармонлик иштишларини рағбатлантириш борасидаги амалий ҳаракатларидан яна қўллаб-қўллаш мисолларни келтириш мумкин. Шу ўринда депутатлик гуруҳларига услубий ёрдам бериш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда O'zLiDePнинг ҳудудий кенгашлари фаоллик кўрсатаётганини ҳам қайд этиш зарур.

Юқорида баён этилган фикрлар барча ҳудудлардаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти талаб даражасида экан, деган хулосани бермайди, албатта. Алоҳида депутатлар ҳамда депутатлик гуруҳлари фаолиятини таҳлил этар эканмиш, уларда

замон билан ҳамнафаслик, сайловчилар олдидаги масъулият ҳисси, партиявий масъулият етарли бўлмаётганлигини ҳам очик айтишимиз керак.

Демак, энг аввало, партиявий кадрлар билан ишлаш, бўлажак депутатлар номзодлигига ҳақиқий билимдон, савияси баланд, ўзининг шахсий манфаатларини жамият ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрувчи ҳалол кадрларни илгари суриш лозим. Зеро, партия ўз олдида қандай катта мақсадларни қўймасин, қандай муҳим вазифаларни бажарини эҳтиёжи тўғилмасин, гап охир оқибат билимини ва замонавий фикрловчи кадрларга ва яна бир бор кадрларга бориб тақалаверади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги шиддатли даврнинг ўзи депутатлар олдида муҳим вазифаларни қўймоқда. Қолаверса, вакиллик ҳокимиятининг бошқарув функцияси ривожлантириш, манфаатлар мувозанати принципи изчил амалга оширилмоқда. Шундай экан, O'zLiDeP депутатлик гуруҳларининг назорат функцияларини такомиллаштириш, ислохотлар муваффақиятига масъулият энг муҳим вазифамиз бўлиб қолаверади.

МУҚАДДАС ОСТОНА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада



Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йилгирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, янги демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида маънан етуқ, жисмонан соғлом авлодни камол топтириш, жойларда ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, оналар саломатлигини муҳофазация қилиш айти кундаги муҳим ва устувор вазифалардан саналади. Шундай экан, уларнинг ижросини тўла таъминлаш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилиши лозим. Бу эса ҳар биримиздан ижтимоий фаолликни талаб қилади.

Ислохотлар изчиллиги йўлида қандай ёрдам керак бўлса, давлатимиз томонидан ўз вақтида кўрсатишмоқда. Мана, бир мисол. Сўнгги ўн йилда фақатгина даволанган профилатика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 млн. АҚШ доллари миқдоридида маблағ йўналтирилди. Шахс манъавиятини юксалтириш, унинг ботиний истеъдоди ва лаёқатини юзага чиқариш, спорт-соғломлаштириш муассасалари тармоғини кенгайтириш, шу ҳисобдан мамлакатимиз нуфузини оширишга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, иқтисодиётни босқичма-босқич либераллаштириш орқали ишлаб чиқаришда юқори сифат ва самарадорликка эришилаётганлиги энг жиддий ютуқларимиздан биридир. Истиқлол йилларида аҳолининг реал даромадлари жон бошига 8,2 қарра қўлайиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоизни ташкил этаётганлиги ҳам танлаган йўлимизнинг тўғрилигини яққол исботлаб турибди.

Юртбошимиз ташаббуси билан яна бир эзгу, хайрли иш рўёбга чиқарилмоқдаки, бу хусусда алоҳида тўхташмасликнинг иложи йўқ. Гап бугунги туў ўзгаришлар жараёнида қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш, намунавий лойиҳалар асосида яқна тартибдаги уй-жой қурилишнинг жадаллаштириш, мазкур ҳудудларда замонавий инфратузилма шакллантириш ҳисобидан аҳолининг ҳаёт даражасини янада ошириш масаласи устида кетмоқда.

Инсон ўзини қачон бахтли санайди, қачон тақдирини рози бўлади? Қачонки оиласи тинч, хонадони обод, турмуши фаровон бўлса. Оила эса Ватан ичра Ватан, ҳар биримиз учун азиз ва муқаддас остонадир. Шу маънода одамларни меҳнатига яраша қадрлаш ва рағбатлантириш, яқна тартибда уй-жой қурилиш янада такомиллаштириш, жаҳон амалиётида учрамайдиган мазкур ноёб тажрибани кенг оммалаштириш устувор вазифалардан бири қилиб қўйилганлиги бежиз эмас. Зеро, ободлик кўнглидан бошланади. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айти йўналишдаги бунёдкорлик ишларига қанот бағишлади, десак асло хато қилмаймиз. Унда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини тўдан яхшилаш, белгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилиш-монтаж жараёнларини тез ва сифатли амалга ошириш, уй-жой шароитини яхшилашга эҳтиёжманд фуқароларга қўшимча имтиёз ва энгилликлар бериш билан болғик масалаларга ойдинлик киритилган.

Шу тариқа қисқа муддатда республикамиз ҳудудида уй-жой фонди объектларини тайёр ҳолда фойдаланишга топширишни мувофиқлаштириш, янги иншоотларни барпо этиш,

техник ва меъморий безаш, қайта реконструкция қилиш ҳамда таъмирлашга ихтисослашган 400 дан ортқик қурилиш-монтаж ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Режадаги турар-жой объектлари учун сарфланмаган ҳаракатларнинг асосий қисми эса «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан ўз вақтида молиялаштирилмоқда.

Яширишининг ҳолати йўқ; шу ўрн ҳуқронлиги даврида қишлоқ аҳолисининг тоғани рўзгор, тирикчиликдан ортмас, шу боис қўнчилик паҳсадан қурилган омонат, лўйсуюқ уйларда яшашга мажбур эди. Энди-чи, манзара тамом бошқача. Ҳудудларнинг табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда пишиқ гиштан қурилган, меъморий ечимий ўзига хос, замонавий муҳандислик-коммуникация тизимлари билан таъминланган, кенг, ёруғ, баҳово ҳовли-жойлар ҳар қандай кишининг хайрату ҳавасини уйғотиши турган гап. Марҳамат, белгиланган шартнома суммасининг маълум қисминини тўлангу, тап-тайёр обод хонадонда маза қилиб яшайверинг. Ортиқча ташвиш, елиб-югуришларга асло ҳолат йўқ. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича қишлоқ ҳудудларида яшовчи жисмоний шахсларга янги уй-жой қуриш учун 15 йил муддатга кредит бериш тартиби жорий этилганлиги ҳам айти муддао бўлди.

Қани, энди ўзини халис айтнинг: илгариги замонда бундай имконият ва қулайликларни тасаввурга сигдириб бўлармиди? Йўқ, асло. Чиндан ҳам давлатимиз раҳбари ташаббускорлигида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги ҳақиқатларнинг асрий орзу-умидлари бирин-кетин рўёбга чиқмоқда. Жумладан, қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш дастурининг изчиллик билан амалга оширилиши тўғрисида 2009-2013 йиллар мобайнида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 900 дан ортқик янги турар-жой массивлари, шунингдек, 33,5 мингдан зиёд яқна тартибдаги уй барпо этилди. Бу эса қишлоқ ҳудудларида замонавий инфратузилма шакллантириш, аҳолининг маданий турмуш даражасини яхшилашда муҳим аҳамият касб этапти.

— Шу кунларга етказганига шукр, — дейди Юқоричирчқ туманидаги «Ий-тоқ» мавзесида истиқомат қилувчи уйбекиси Анжела Абдулатипова. — Замонанинг заили билан эскилик ўрнини янгилик эгаллайпти. Илгари ҳаёт шу экан-да, деб пастқам, лўйсуюқ уйларда яшаб юрарваган эканмиш. Олти сотихли янги ҳовлига қўчиб кирган, яшашнинг гаштини янада чуқурроқ англай бошладик. Айниқса, фарзандларимизнинг қувончини айтмайсизми? Яратилган шарт-шароит ва қулайликлар шарҳардагидан асло қолишмайди. Ошқона, ювиниш ва дам олиш хоналари алоҳида. Энг муҳими, кенг, ёруғ, мустақкам. Хуллас, ҳар бир аёл орзу қиладиган кошонанинг ўзинаси. Ҳовли саҳнида экин ўстириш, гулзор барпо этиш ҳам мумкин. Бундай савоб ишларнинг бошида турганларга мингдан-минг раҳмат.

Юқоридаги каби самимий дил сўзларини бошқа уй бекаларидан ҳам эшитиб, кайфиятимиз янада равшан тортиди. Аслида шунинг ўзи ҳайдан розилик ва мамнунлик нишонаси эмасми? Яқна тартибда уй-жой қуриш жорий йилда янада кенг қўлам касб этади. Чунонки, қишлоқ ва овулларда намунавий лойиҳа асосида 11 мингта янги турар-жой барпо этиш, замонавий сервис ва хизматлар бозорини муносиб тарзда босқичма-босқич ривожлантириш кўзда тутилган. Аҳолининг ҳаётий манфаатлари шуни тақозо этмоқда. Демак, ҳадемай яна ўн бир мингта хонадонда байрам бўлади, қалбар қувон ва шодликка тўлади. Зеро, оила қўрғони ҳақида гамирўлик бу, энг аввало, инсон бахт-саодати, унинг тўқис ва фаровон яшашини учун гамжўрлик, демакдир.

Носир ТОШЕВ,
«XXI asr»

сайловларда O'zLiDeP иштироки атрофлича муҳокама қилинди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. O'zLiDePнинг оилавий тadbиркорликни йўлга қўйишда муҳим омил бўлиб келётган «Муқдор оила — 2014» лойиҳасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди.

Лойиҳанинг саралаш босқичида 350 дан ортқик деҳқон хўжалиги ва оилавий тadbиркорлик субъекти вакиллари иштирок этиб, улардан 51 нафари наватбатдаги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритгани тақдирда алоҳида таъкидланди. Унда сўзга чиққан Шуманай туманидаги «Уразбой баймақил» фермер хўжалиги раиси Қ.Қурбонов сўт маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган цех очиб, Тўртқўл туманидаги «Қултимуратов Шамшет» фермер хўжалиги раҳбари Ш.Қултимуратов эса паррандачилик йўналишига оид гоёси тижорат банкларидан имтиёзли кредит оlish ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланганлари учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдирдилар.



ФАРҒОНА. O'zLiDeP вилоят кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида «Сайловларда сийёсий партиянинг ваколатли вакили ва кузатувчиси иштирокнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, сийсатчи-экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишти. Тақдирда Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари, 2009-2010 йилларида бўлиб ўтган сайлов натижалари таҳлил этилиб, бўлажак

Машаққатли меҳнат эътирофи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов шу муносабат билан мамлакатимиз галлакорларига табрик йўллаб, улкан зафар билан самимий муборакбод этди, келгусидаги яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларида катта муваффақиятлар тилади. Зеро, ушбу табриқда тилга олинган масалалар биз, фермерлардан янада катъият ва фаоллик билан иш юритишни, турмуш фаровонлигини ошириш йўлида мавжуд куч ва имкониятлардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Чунки бугунги фермер жамиятининг энг фаол, ташаббускор аъзоси сифатида

амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнидан четда туриши мумкин эмас.

Ҳўжалигимиз асосан пахтачилик ва галлачиликка ихтисослашган. 94 гектар майдонда деҳқончилик қилимиз. Амалдаги йилда 51,5 гектар майдонда 200 тонна сара дон етиштирдик. Уртача ҳосилдорлик салкам 60 центнер-ни ташкил этди. Бу мустақилликнинг қутлуғ байрамига бизнинг камтарона тўнамиздир. Очиғи, деҳқончиликнинг захмату машаққатларини бошидан ўтказган биллади. Ердан риққ андириш учун табиатнинг не-не синовларини сабр-бардош билан энгиб ўтиш

лозим. Акс ҳолда кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Биз ҳам жорий йилда далаларнинг тупроқ-иклим шароитини ҳисобга олиб, илғор агротехнологияларни амалиётда қўллашга ҳаракат қилдик.

Натижада юқори ҳосилдорликка эришилди, шартнома режасидан ошқича 80 тонна дон ўз ҳисобимизда қолди. Галлачиликдан олинган даромад 85 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бу ҳўжалигимиз аъзоларининг дастурхонни тўқин, турмуши янада фаровон бўлади, деганидир. Уларнинг ҳар бири ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришга одатланган. Айниқса,

Нодир Муллажонов, Ақром Ботиров, Жўрабой Утбосаров, Рустам Ҳалимбоев, Обид Мирзақўжаев каби миришкор деҳқонларимиз ҳалол меҳнат орқасидан обрў-эътибор қозонишмоқда.

Дунёнинг айрим мамлакатларида озиқ-овқат муаммоси юзага келиб, нон тақчиллиги кузатилаётган бир пайтда юртимиздаги тўқинлик, арзончиликка ҳавас қилса арзийди. Чунки оморларимиз йил сайин донга, дастурхонларимиз нонга тўлиб бормоқда. Бу ҳам бўлса, чуқур ўйланган ва узоққа мўлжалланган иқтисодий ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

Олтинкўл учрашуви

хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-сиёсий фаоллик ошириб бораётгани яна бир қарра намойён этди

Наргиза КАХҚОРОВА,
«XXI asr»



Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва туб ўзгаришлар жараёнини сиёсий партиялар фаолиятидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Хуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга муносиб ҳисса қўшишни ўзининг бош мақсади деб биландиган O'zLiDeP ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, хусусан, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига қўмаклашиш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, кишлоқ жойларда тадбиркорлик субъектларини кенгайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Буни биргина Андижон вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда вилоятда 22 мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар фаолият юритаётгани, уларнинг 10 мингдан ортигини хотин-қизлар бошқараётгани ҳам партия электорати манфаатига қаратилган чора-тадбирлар, кенг қўллаб-қувватлаш, кенг қўллаб-қувватлаш шарт-шaroитларнинг самарасидан далолат беради. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аёллар ва ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш борасидаги ишлари диққатга сазовор.

O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши Аёллар билан ишлаш бўлимининг Олтинкўл туманида ташкил этилган йиғилишида ана шу каби масалалар хусусида атрофлича фикр юритилди. Маҳаллий депутатлар иштирокида ўтган жамоатчилик эшитиш шаклидаги очик мулоқотда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида аёллар тадбиркорлиги ва оилавий тадбиркор-

ликни ривожлантириш, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга оид вазифаларнинг ижроси юзасидан туман ҳокимлиги иқтисодий бўлими бошлиғи Шоятбек Эргашевнинг ахбороти тингланиб, бу борадаги ижобий ишлар қўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Таъкидланганидек, 2014 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ, туманда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик учун қулай шарт-шaroит яратиш, оилавий корхоналарда товар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бўш турган бино ва хоналарда товар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдосини йўлга қўйиш бугунги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эгадир.

Мазкур кенгайтирилган йиғилишида, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан Давлат солиқ қўмитаси, «Водийгаз таъминот» унитар корхонаси ҳамда электр энергияси тармоғи туман бўлиmlари олдида турган вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди.

— Маълумки, депутат билан сайловчилар учра-

шуви истиқболдаги режаларни белгилаш, жойларда аҳоли кенг қатламлари ва электорат вакиллари манфаатига оид масалаларни аниқлаш ҳамда ўз вақтида ечим топишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари Хуршида Халилова. — Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ўртасида тузилган бош битим доирасида алоҳида ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, ушбу гуруҳ фермерлик, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига оид муаммоларни аниқлаш ва ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўраётди. Жорий йилнинг ўтган даврида ана шундай ҳамкорлик туфайли 36 та муурожаат ижобий ҳал қилиниб, сафимиздаги хотин-қизлар сони сезиларли даражада ошди.

Олтинкўлдаги жамоатчилик эшитишда «Оила-тадбиркорликдан — мустақил оилага» партиявий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг амалий натижаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

— Кишлоқ аҳолиси ўртасида бандлик даражасини оширишнинг муҳим омилларидан бири оилавий тадбиркорликни янада кенгайтиришдир, —

дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими раҳбари Умид Исаева. — Шундан келиб чиқиб, ўтказилаётган учрашувларда оилавий тадбиркорлик имкониятлари ва истиқболлари, бизнесни режалаштириш, гоё танлаш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар диққат марказида тутилаётди. Самара чакки эмас. Жумладан, Олтинкўлнинг ўзида лойиҳа доирасида 50 нафардан ортиқ ошмаган иқтисодий билан ва кўникмалари оширилди. Намунали бизнес-режага эга бўлган 4 нафар иштирокчи тадбиркор сифатида ўз фаолиятини бошлашга муваффақ бўлди.

Умуман, «Соғлом бола йили»да белгиланган дастурий вазифаларга масъулият билан ёндашиш, либерал-демократик гоёлар тарғиботини кўмайтириш, оммага яқин кўмакчи ва маслақдош бўлиш орқали вилоятда O'zLiDePнинг обрў-нуфусини янада оширишга эришилмоқда. Зеро, сиёсий фаоллик ва юксак ташкилотчилик бугун барча соҳада қўрқулашиб бораётган ислохотлар муваффақиятини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ҳаммаси битирувчилар учун

Молия муассасаларидан олинган 100 миллион сўм миқдоридати кредит ҳисобига 2004 йилда Тўрақўрғон туманида фаолият кўрсата бошлаган «Дитрабо СДА» кўп тармоқли фирмаси касб-хунар коллежларининг 20 нафар битирувчисини ишга қабул қилди. — Аҳолига 10 дан ортиқ турдаги кийим-кечак етказиб берамиз. Маҳсулотларимиз маҳаллий бозорда ўз харидорларини топиб улгурган. Бунда жамоамизда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-ҳодимнинг муносиб ҳиссаси бор, — дейди фирма раҳбари, O'zLiDeP аъзоси Маъсулаҳон Солиқова. — Асосан битирувчиларни ишга қабул қилаётганимиз бежиз эмас. Зеро, партиямиз дастурида ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кўмайтириш ҳамда уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Дастурнинг амалий самараси

53 минг аҳолиси бўлган Улугнор туманида айни кунда 12 та кишлоқ врачлик пункти, туман тиббиёт бirlашмаси, туман марказий поликлиникаси фаолият кўрсатмоқда. «Соғлом бола йили» ҳудудий дастурига мувофиқ, туманда тизимли ишлар олиб борилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Масалан, шу вақтгача 12 та мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, 24 та умумтаълим мактаби ўқувчилари тиббий кўриқдан ўтказилган бўлса, навбатдаги тиббий кўриқда аҳолининг барча қатламлари қамраб олинди.

— Соғлом бола — бу оиланинг бахти, тотувлиги, хотиржамлигидир, — дейди «Оқтом» МФЙ раисининг диний маърифат ва маънавий ишлар бўйича маслаҳатчиси Умид Мирзаева. — Шунинг учун ҳам кўрик давомида шифокорлар асосий эътиборни ёш болалар, туғиш давридаги аёллар, бўлажак келин-куёвларнинг никоҳдан олдинги тиббий назорат масалаларига қаратмоқдалар. **Ўз муҳбиримиз.**

Арабхонанинг трикотаж маҳсулотлари

Навбахор туманидаги кўп тармоқли «Қоратог чорваси» фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Бобоевнинг сайёҳаракати билан Арабхона қишлоғида янги саноат корхонаси иш бошлади. Фермер хўжалиги ҳузурлида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехининг фаолият бошланиши ТИФ Миллий банкнинг Навоий вилоят филиали томонидан ажратилган 120 минг АҚШ доллар миқдоридати имтиёзли кредит қўл келди. Айни кунда бу ерда худуддаги касб-хунар коллежларини битирган саккиз нафар қиз маҳаллий хом ашё — пахта толасидан болалар ва катталар пайпоқларини ишлаб чиқармоқда.

Т.Бобоевнинг таъкидлашича, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор туфайли кишлоқ мулкдорлари ҳам истиқболли лойиҳаларга қўл уришга жазм қилиб, чекка туманларга саноатни олиб кириш имконига эга бўлишяпти. Келажакда цех қувватларини ошириш эвазига уни каттагина корхонага айлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда сифатини юксалтириш даражасига етказиш имконияти мавжуд. Шу ўринда арабхоналик тўқувчилар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар аллақачон ички бозорда ўз харидорларини топиб улгурганини таъкидлаш жоиз.

Мансур АСЛОНОВ.

Ишбилармон талабалар сафи тобора кенгайяпти

O'zLiDeP томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ишбилармон талаба» кўрик-танловининг Бухоро ва Навоий вилоят босқичлари юксак савияда ташкил этилди

Шухрат РАХИМОВ,
«XXI asr»



Партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кўмайтириш ва ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий-хуқуқий шароит яратиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимиз келажиги йўлидаги интилиш ва изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзлаган мазкур танлов иштирокчилари тобора кўпайиб бораётгани эътиборга моликдир.

O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Азиз Ҳакимов берган маълумотларга кўра, мазкур лойиҳанинг бу йилги туман (шаҳар) босқичида жами 757 нафар талаба қатнашган бўлса, улар орасидан ўз иқтидорини билан ажралиб турган, ташаббускорлиги ва тадбиркорликка қизиқиши юқори бўлган 30 нафари кўрик-танловнинг вилоят босқичига саралаб олинди. 2013 йилда худди шундай тадбирларда 300 нафар ёш иштирок этганини инобатга оладиган бўлсак, қисқа муддатда икки баробардан зиёд ўсишга эришилганини аңлаш қийин эмас.

Келажакда тадбиркорлик билан боғламоқчи бўлган ёшларнинг бизнес-режалари нафақат Хайъат аъзолари, балки вилоят ҳокимлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, вилоят Фермерлар кенгаши вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимларида ҳам илиқ таассурот қолдириди.

Ҳокимликда номзодларнинг ишбилармонлик кўникмаларини қай даражада ўлаштиригани, замонавий ахборот технологиялари ҳамда интернет хизматларидан фойдаланиш бора-бордаги билимлари, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ инновацион лойиҳалари, партия фаолиятидаги иштироки, хулқи ва етакчилик қобилияти, либерал-демократик гоёларни нечоғли эгаллагани синовдан ўтказилди.

«Баҳолаш мезони» натижаларига кўра, биринчи ўрин Бухоро Санъат коллежи талабаси Мадинабону Раҳимовага насиб этган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни тегишли равишда Бухоро давлат университети қошидаги академик лицей талабаси Муртақилбек Жалолов ҳамда Бухоро педагогика коллежи талабаси Маҳфизат Ҳамроева банд қилишди.

— Келажакда модельер-дизайнер бўлиш орзусида килдим, — дейди Мадинабону. — Ўн ёшимдан бошлаб миллий каштачилик сирларини ўрганиб келаяман. Шунинг учун ҳам «Ишбилармон талаба» кўрик-танловини вилоят босқичида ва касбнинг Нурота усулини қўллаб яратган маҳсулотларим кўргазмасини намойиш қилдим. Ишончим комилки, O'zLiDeP ўтказаятган лойиҳанинг республика босқичида муносиб иштирок этишим бизнес сари ташлаш имдам қадамларимнинг навбатдагисига бўлади.

«Ишбилармон талаба» 2014» лойиҳасининг Навоий вилоят босқичи доирасида ўтказилган тадбирларда ҳам ёшларнинг ақлий ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, уларни бизнес оламига олиб кириш имконияти кўриб чиқариш учун жойларда зарур шарт-шaroит яратиш, келажак эгаларининг астойдил ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Зеро, айни шу масалалар O'zLiDeP дастурий мақсадларининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ана шунинг тироки, хулқи ва етакчилик қобилияти, либерал-демократик гоёларни нечоғли эгаллагани синовдан ўтказилди.

Кўш дипломли фермер

Пастдарғомлик фермер Илёс Бўриев кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳисобига фаолиятини янада кенгайтиришни мақсад қилмоқда

Мухаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

У раҳбарлик қилаётган «Бўриев Ботир-Хуршид оқ олтин даласи» кўп тармоқли фермер хўжалиги илгари галла ва пахта етиштириш, шунингдек, чорвачиликка иختисослашган бўлса, ўтган йилдан бошлаб хўжалик негизини маҳсар, қунжут ва кунгабодардан ўсимлик ёғи ишлаб чиқарила бошланди. Муҳими, хом ашё ҳам фермер хўжалигининг ўзида етиштирилмоқда.

— Бугунги фермернинг росмана омади чопган, — дейди Илёс Бўриев. — Сабаби ўтган йиллар давомида мамлакатимизда аграр тармоқда туб ислохотлар амалга оширилди. Мисол учун, фермер хўжалиқларини оптималлаштириш масаласини олайлик. Илгари бу майдонларда фермер нечта фермер меҳнат қилган бўлса-да, белгиланган режа эллик фоиздан

келмоқда. Бу эса пировардида ёшларда тадбиркорлик кўникмалари шаклланиши ва партия тарафдорлари сафи кенгайиб боришига хизмат қилмоқда.

— Танловнинг бу йилги туман (шаҳар) босқичида 521 нафар йигит-қиз иштирок этиб, улардан 30 нафари вилоят босқичига йўлланма олди, — дейди O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Шавкат Раҳматов. — Ўнда голиб чиққан талабаларнинг уч нафари танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиб, партиянинг махсус дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Интернетда ўзига хос сайтлар яратган Зарафшон академик лицей талабаси Фаруҳ Тинжибоев, зардушлик йўналишидаги миллий ибналишидаги намойиш этган Кармана озиқ-овқат ва меҳмонхона хизматлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Интернетда ўзига хос сайтлар яратган Зарафшон академик лицей талабаси Сарвиноз Омонова энди танловнинг республика босқичида Навоий вилоятини шашини ҳимоя қилишди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови иштирокчиларига қўйилган талаблар қанчалик жиддий бўлмасин, унда қатнашиш истагини билдираётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани мазкур лойиҳанинг истиқболдан, бу эса ўз навбатида, партия амалга ошираётган лойиҳаларга навқирон авлод вакилларининг қизиқиши кучлигидан далолат беради.

Йигирма иккита сертификат

Пойтахтимизда «Болалар қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ННТ фаолияти самаралорининг оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги нақсонли ҳамда ўтказилган тадбирда оналик ва болаликни муҳофазалаш, имконияти чекланган болаларга ҳар томонлама қўмаклашиш борасида миллий режа ва дастурларни амалга оширишда маҳаллий ННТ фаолиятини кўмайтириш хусусида сўз юритилди. Анжуман иштирокчилари томонидан бошқарувда мониторинг ва баҳолаш, мезонлар ишлаб чиқиш, туркумлаш, маълумотлар таҳлили ва лойиҳанинг барқарорлиги каби мавзулар кўриб чиқилди ҳамда вилоятлардаги ННТ вакиллари 22 нафарига тренер сифатида фаолият олиб бориш учун сертификат топширилди. **Рисолат МАДИЕВА.**

Водийда хандон писта етиштирилади

Андижонда навли пистазорлар плантацияларини яратишда лалмикор ерлардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди

Ахроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI asr»

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Глобал Экологик фондининг Кичик грантлар дастури (ГЭФ КГД) томонидан Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази (МБ ва УХРИЧМ) ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда вилоятда айни пайтда 6590 га фермер хўжалиги фаолият юритаётгани, уларнинг 1543 таси боғдорчилик ва узумчилик йўналишига иختисослашган, 2252 таси эса кўп тармоқли субъектга айлантирилган, ишлаб чиқарилаётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95 фоизи айнан мана шу хўжалиқлар ҳиссасига тўғри келаётгани алоҳида таъкидланди.

Андижон туманидаги «Рустамжон гулшани» ҳамда Асака туманидаги «Кўхна дала сардори» фермер хўжалиқлари нафақат вилоят, балки Фарғона водийсида биринчилардан бўлиб янги соҳа — хандон писта етиштиришга бел боғлаган. Маълум бўлишича, ҳозирда «Рустамжон гулшани»да 148 гектар, «Кўхна дала сардори»да 2 гек-

тарда хандон писта учинчи ёшида парваришланяпти. — Сувсиз, қуроқчилик, лалмикор майдонларда бошоқчи экинлардан юқори ҳосил олиш қийин, — дейди фермер Рустамжон Позиллов. — Ана шундай ерлардан имкон қадар кўпроқ фойда олиш мақсадида 2011 йилда хандон писта кўчатларини экдик. Эътиборлиси, еттинчи ёшида мевага кирадиган пистанинг йилдан-йилга ҳосилдорлиги ҳам ортиб бораётган экан. Хусусан, саккизинчи йилда ҳосилдорлик гектаридан 0,7 центнерга ошади, тўққизинчи йил хирмон 1,2 центнер, ўн биринчи ва ўн иккинчи йилларда тегишли равишда 3,7 ва 5 центнерга кўпаяди. Дарахт тўлиқ ҳосилга кирса, унинг бир тупи 25 килограммгача ҳосил беради. Бу — мўмай даромад дегани.

Савол-жавоблар тарзида ўтган семинарда МБ ва УХРИЧМ илмий ходимлари Галина Чернова, Николая Люциан, Тимур Туляганов ва бошқалар фермерларга писта дарахтини, унинг истиқболли навлари, пистачилик плантациясини яратиш учун жой танлаш, худудни ташкиллаштириш, участкани қисмларга бўлиш, кўчатларни экиш, ёш плантациялардаги ниҳолларга куртак пайванд қилиш каби мавзуларда кенг тушунчалар

бердилар. Маълумотларга кўра, «комбинат дарахт», «яшил олтин», «тилла дарахт» дея турили ноллар билан аталадиган хандон писта таркибида 40 дан 60 фоизгача ёғ, 15-20 фоиз оқил ва кўпгина микроэлементлар мавжуд бўлиб, қандолатчилик саноатида, юқори навли колбасалар ҳамда парҳез маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўта фойдалилиги билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, ушбу ўсимлик ва унинг меvasи тиббиёт соҳасида ташқи яраларни битказиш, жигар, ошқозон, ўпка касаллиқларини даволашда кенг қўлланилади. Писта дарахтининг тана қисмида самолётсизликка ишлатиладиган юқори сифатли буюк олинади. Кучли илдиш тизимига эга бўлган ўсимлик туپроқни ҳимоя қилиш ва намлини сақлаши билан ажралиб туради.

Семинар иштирокчилари, шунингдек, Асака туманидаги «Кўхна дала сардори» фермер хўжалигида бўлиб, хандон писта парваришини, сугорилиши, шакл бериш, куртак пайвандлаш усуллари билан амалда танишдилар.

Эътиборлиси, тадбир якунида 20 нафардан ортиқ фермер ўз хўжалигида писта плантацияларини яратиш истагини билдирди.



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 24-iyul, payshanba, 29 (557)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Соғлом бола — соғлом келажак

Балиқчи туманидаги спорт буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Мадина-97» МЧЖ бошланғич партия ташкилотлари «Соғлом бола — жисман ва маънан стук оила меваси» номли давра суҳбати ташкил этилди. БПТ стажчиси А.Жаббаровнинг маълум қилишича, партия туман кенгаши масъуллари, тиббиёт бирлашмаси ва марказий поликлиникаси мутахассислари корхона ишчи-хизматчиларига «Соғлом бола йили» Давлат дастури мазмун-моҳияти, дастур ижроси таъминлинишида партия фаоллари зиммасидаги вазифалар, шунингдек, қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳамда кашандалик, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг салбий оқибатлари хусусида аниқ ва асосли тушунчалар бердилар. Тадбирда қуйи бўғин аъзолари — Шарофатхон Солиева ва Хусанбой Ашуров сўзга чиқиб, Давлат дастурига оид ишлар самардорлигини ошириш юзасидан амалий тақлифлар билдирдилар.

Улуғ айёмни муносиб кутиб оламиз

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори муносабати билан О'zLiDeP бошланғич ташкилотларида йилги таълим ва таърифлар бўлиб ўтаётган. Жумладан, Андижон сув омборидан фойдаланиш бошқармасидаги партия ташкилотлари ҳам мазкур қарордан келиб чиқувчи вазифаларни атрофлича муҳокама қилдилар. — Улуғ айёмни муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ишларини бошладик, — дейди БПТ раиси Наврузой Сайфуддинова. — Хусусан, озод дидаримиз тарихан қисқа давр ичида нечоғли улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганлигига бағишланган туркум тадбирлар ўтказишни рўжалантирдик. Шунингдек, ободончилик ишларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. **А.МУСУРМОНОВ.**

ХИЗМАТ ИЛАЖАНГА ХИЗМАТДОР ДУНЁ!

«Бир марта ўқиладиган китобнинг ҳозирги қуни бор, такрор-такрор ўқиладиган асарнинг келажаги». Александр ДЮМА.

Масъулият ва бурч — мақсадга элтувчи куч

Партияга аъзо бўлиш — юксак масъулиятни зиммага олиш, дегани. Навоий кон-металлургия корхонаси тасарруфидаги тиббий муассасаларда фаолият юритаётган қуйи бўғинлар ана шу талабдан келиб чиқиб, зиммаларидаги бурчга масъулият билан ёндашптилар. Чунончи, уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 153 киши либерал-демократлар сафида бўлиш истагини билдирди

Мансур АСЛОНОВ, Бехзод ИСРОИЛОВ, «XXI asr»

Навоий кон-металлургия комбинати Тиббий-санитария бирлашмаси бошлиғи, О'zLiDeP аъзоси Алишер Мирзаевнинг маълум қилишича, корхонанинг 70 мингдан зиёд ишчи-хизматчи саломатлигини асраш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш 4200 нафарлик жамоа зиммасидадир. Бошқача айтганда, қончилар қўлга киритаётган меҳнат ютуқларида бир-лашма таркибидеги 15 та ихтисослаштирилган клиника, 22 та соғломлаштириш пунктининг муносиб хиссаси бор. Эътиборлиси, айна пайтда катталар ва болалар поликлиникаси, санитария-эпидемиология маркази ва жаррохлик бирлашмасида 454 нафар либерал гоялар тарғиботчиси жипслаштирилган О'zLiDeP таянч нуқталари иш олиб борапти. Улар ташкил этилганга ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, Навоий шаҳридаги мавжуд 56 та қуйи бўғинга янги кучлар келиб қўшилгани ва улар ўзларига билдирилган ишончини оқлашга астойдил интилаётгани яққол сезилаётган.

— Айниқса, кўп тармоқли жаррохлик бирлашмасидаги Исроил Ахтамов етакчилик қилаётган БПТнинг фаолияти алоҳида диққатга сазовор, — дейди партия Навоий шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Ғолиб Назаров. — Зеро, бошланғич ташкилот қайси соҳа вакиллари билан бирлаштирилган қатъий назар, либерал-демократик гоялар тарғиботига асосий эътибор қаратиши, фақат ички масалалар билан чекланимай, жойларда ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиши, уларни ижобий ҳал этишга доир тақлифларни ишлаб чиқиши лозим. Мазкур қуйи ташкилот фаоллари айнан ушбу тамойилга амал қилиб, сафдошларига ўрнатилган талабларга қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, мазкур БПТда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Респуб-



«БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ ПАРТИЯ САФИГА ЯНГИ АЪЗОЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛАДИ ВА ПАРТИЯ ТАРАФДОРЛАРИ СОНINI КЎПАЙТИРИШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРАДИ, ШУНИНГДЕК, ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ, УНИНГ ТАРАФДОРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА КЎМАКЛАШАДИ, ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН УСТАВ ТАЛАБЛАРИНИНГ СЎЗСИЗ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ».

О'zLiDeP Уставидан.

ликаси Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида энг улуғ, энг азиз байрамни муносиб кутиб олиш бўйича бажарилиши зарур ишлар ҳамда бўлажак сайловларга тайёргарлик мавзусларига бағишланган бир неча тадбир қуйи бўғинлар фаолларининг куч ва салоҳиятини жиддий синовдан ўтказди, дейиш мумкин.

Ушбу тадбирларда партиявий фаолиятни янада жонлантириш, хусусан, О'zLiDeP сафида ўзининг мустақил ва қатъий фикрига эга ёшларни жалб этиш, бошланғич ташкилотларни янги ташаббуслар, ижтимоий-сиёсий фаолият марказларига айлантиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Партия электорати билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган орқали касб-хунар коллежлари бити-

рувчилари бандлигини таъминлаш, маҳаллаларда бепул тиббий масала ҳаётини олиб олиш сингари масалалар ҳам қизгин муҳокама қилинмоқда.

Бундай фаоллик, хайрли мақсадларни мужасамлаштирган ташаббуслар, юқори савиядаги тарғибот ишлари катта жамоада ижобий акс-садо бериб, кўпчиликини либерал-демократик гоялар атрофида бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Чунончи, қийнда 153 нафар йигит-қиз О'zLiDeP сафида бўлишга қарор қилди. Бу — салмоқли куч, албатта. Зеро, янги аъзолар орасида олий маълумотли, серғайрат, ташаббускор, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун кўриш даражасидаги кўпчиликни ташкил этаётган. Бу эса партия дастурий мақсадларини оммалаштириш кулами янада кенгаётганидан далоятдир.

— Партиянинг нафақат тадбиркорлар манфаати,

балки аҳоли кенг қатмарлари вакиллари ҳимоя қилаётган сиёсий кучга айланган бораётганидан мамнунман, — дейди қийнда О'zLiDePнинг аъзолик гувоҳномасини олган шифокор Ҳаёт Холиқов. — Айни пайтда биз партиявий тадбирларда фаол иштирок этиб, тавсия этилган қўлланма ва адабиётлар моҳиятини ҳам чуқур англаб етишимиз, дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этиш, гоявий-сиёсий ишларни кучайтиришга муносиб хисса қўйишимиз шарт ва зарурдир.

Унинг ҳамкасби ва маслакдоши Гулчехра Алиеванинг айтишича, истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон салоҳиятига давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Натижада ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайди, халқимиз турмуш маданияти эса узлуксиз ўсаётган. Бу, аввало, тиббиёт соҳа-

сида босқичма-босқич амалга оширилаётган туб ислохотлар самараси ҳамдир.

— Сиёсий куч атрофида бирлашган фуқаролар партия гояларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат миллий манфаатларини ифода этишда зиммаларидаги масъулиятни те-ранроқ ҳис этадилар, — деди биз билан суҳбатда Исроил Ахтамов. — Партияга аъзо бўлган кишиларнинг сиёсий куч тўғрисидаги илк тасаввур, қарашлари айнан бошланғич ташкилотда шаклланади. Демак, аъзоларнинг қанчалик фаол бўлиши бевосита БПТ фаолиятига боғлиқдир. Шундай экан, тинимсиз изланишимиз, жумладан, ҳали ишга солинмаган имкониятлардан унумли фойдаланиб, электротартиб ичида чуқурроқ кириб боришимиз керак. Бу эса бўлажак сайловлар арасида муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидланганидек, партия гояларини изчил тарғиб этишда ҳеч бир бўғин бошланғич ташкилотлар даражасида имкониятга эга эмас. Фақат уларни тўлиқ ишга солиш, қўлга киритилган натижалар билан қаноатланиб қолмаслик керак. Ана шунда кўзланган мақсадларга эришилади.

Ҳам имтиёз, ҳам рағбат

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинганига икки йил тўлди. Шу муносабат билан айнан мазкур қонун имтиёзларидан фойдаланиб, оиласи фаровонлиги, юртимиз тараққиётига муносиб хисса қўшаётган тадбиркорлар билан суҳбатда бўлдик

— «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун фаолиятининг кескин жонланишига тўртки берди. — дейди Бўка туманидаги «Jannatmakon Bo'ka» оилавий корхонаси раҳбари Аҳмад Ғойипов. — Аввал яқка тартибда иш бошлаган эдим. Янги қонун билан танишиб чиққач, кўп тармоқли оилавий корхонага асос солидим. Айни пайтда ўғлим билан бирга 70 дан ортиқ дехқон ва фермер хўжалиги ҳамда хусусий корхонага шартнома асосида бухгалтерия ҳамда электрон ҳисобот топшириш бўйича консалтинг хизмати кўрсатаёямиз.

Оилавий корхонанинг мақбул томони шундаки, уй шароитида фаолият юритаётганидан коммунал инфратузилма хизматлари, жумладан, электр, сув, канализация, газ, иссиқлик таъминоти ҳақини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлаёямиз. Бундай қулайлик бир қарашда унчалик кўзга ташланмас-да, анчагина маблағни тежашга имкон беради. Иккинчидан, ишга бориш учун йўл харажатлари ва қўшимча вақт сарфлашга ҳоҳат қолмайди. Шу боис фаолиятимизни янада кенгайтириш учун банкдан имтиёзли кредит олиш учун ҳужжатлар тайёрлашга киришдим. Чилонзор туманидаги «Begim-begoyim» ўқув маркази раҳбари Раъно Каримованинг фикрича, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун билинчани навбатда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оила даромадини оширишга жуда қулай имконият яратгани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Бу қонун биз, аёллар учун том маънода катта совға бўлди, — дейди Р.Каримова биз билан суҳбатда. — Ишчиларнинг беш нафари оиламиз аъзоларидир. Қонун бизга ана шундай ихчам, бошқариш осон, содда ва қулай марказ ташкил этиш имкониятини яратди. Раҳбар сифатида қайси йўналиш бўйича иш юритиш масаласидан тортиб ходимларнинг дам олиш вақти-ю, кимга қайси вазифани топширишга ҳам ўзим ҳал қиламан. Қизим, ўғлим, кўёвим ва бошқа қариндошларим учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзли меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни яратганмиз. Ўз навбатида, улар ҳам молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш, фойдаланган ўз улуғини олиш каби ҳуқуқларга эгалар. Яна шундай таъкидлаш керакки, қонунда белгиланганидек, ходимларнинг ишлаган вақти меҳнат дафтрасидаги ёзувлар асосида иш стажига қўйилади. Келгусида мавжуд имтиёزلардан фойдаланиб, тикув цехи очиб ва маҳалламиз хотин-қизларига иш ўринлари яратиш ниятидаман.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда белгиланганидек, оилавий корхона ягона солиқ тўловчи ҳисобланади. Тўловлар тўлангандан кейин уларнинг ихтиёрида қоладиган фойдага солиқ солинмайди. Бу эса иқтисод қилинган маблағ корхона даромадини кўпайтиришга хизмат қилади, деганидир.

— Яратилган қулайликлардан фойдаланиб, «Qays Gilam To'qish» корхонасини ташкил этганда, — дейди Паркент туманидан тадбиркор Зулхумор Эрматова. — Бугунги кунда жамоамизда фаолият олиб бораётганларнинг 4 нафари бевосита оиламиз аъзосидир. Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати бўлиши гиламдўзлик билан шуғулланаямиз. Маҳсулотни сотишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинганмиз. Шу боис даромадимизнинг ҳаммаси ўзимизда қолапти.

Пойтахтлик тадбиркор, «EAST GOLDEN MILK» оилавий корхонаси раҳбари Шоира Ниғматова ҳозирги кунда сутни қайта ишлаш орқали 7 турдаги «VENTA» ширин сут маҳсулотлари» савдо белгиси остида кефир, пишлоқ қаламчалари, творог ва қаттиқчи истемолчиларга етказиб бermoқда. Шунга таъкидлаш керакки, корхона томонидан Токентен шаҳрида биринчи бўлиб «қаттиқ пишлоқ» ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Ҳозир корхонамизда 10 дан ортиқ иш ўрни бўлиб, унда оила аъзоларим ва касб-хунар коллежларини битирган маҳалладошларим ишлаяпти, — дейди Ш.Ниғматова.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинган, тадбиркор юртдошларимиз қулай ва имтиёзли даромад манбаига эга бўлдилар. Энг муҳими, улар сафи тобора кенгайиб бораётган.

Рисолат МАДИЕВА.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

2014 йил 1 июль ҳолатига О'zLiDeP аъзолари орасидаги ёшлар (34 ёшгача бўлган фуқаролар) сони **94052** нафарга етди. Бу эса партия умумий аъзолари сонининг **40,7** фоизига тенгдир. 2004 йилда партия жами аъзоларининг **33,6** фоизи ёки **49116** нафарини навқирон авлод вакиллари ташкил этганди.

БПТ ташаббуси

Таърибадан маълумки, БПТ фаолият юритаётган ташкилот ходимларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортади. Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмасидаги 124 нафар аъзоси жипслаштирилган партия тузилмаси фаолияти ҳам бунга мисол бўли олади. Чунончи, улар «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратяптилар. Бундай фаоллик эса сайловчилар, партиямиз электорати вакиллари назаридан четда қолмапти. Яқинда БПТ ташаббуси билан тумандаги ўқув масканлари, МФЙ ва бошқа жойларда юқумли касалликлар профилактикасига бағишланган қатор тадбирлар ўтказилди. Ушбу учрашув ва мулоқотларда интерфаол усуллардан, кўргазмали воситалардан кенг фойдаланилди. — Асосийси, саъй-ҳаракатларимиз бесамар бўлмади, — дейди қуйи бўғин етакчиси Шомирза Бердимуродов. — Ҳозирданок аҳоли ўртасида юқумли касалликларга қарши даражаси ўтган йилга нисбатан 20 фоизга камайди. Болаларга учрайдиган ана шундай хасталиклар эса мутлақо қузатилмапти.

Бошловчи тадбиркорлар учун «Муваффақиятли старт»

Пойтахтимиздаги «Arigan konsalting» аудиторлик компаниясидаги БПТ ички имкониятлардан, партия кенгаши билан ҳамкорлик алоқаларидан самарали фойдаланипти. Бунга О'zLiDeP Чилонзор туман кенгаши қошида янги иш бошлаётган тадбиркорлар учун «Муваффақиятли старт» номли бепул семинарлар йўлга қўйилгани ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳафтанинг ҳар пайшанбасида ўтказиладиган ўқув машғулотларида бошловчи ишбилармонлар хусусий корхона очиб, у рўйхатдан ўтгандан кейин тақдим этилувчи ҳужжат ва маълумотлар, амалдаги қонуниятларни бузганлик учун жавобгарлик борасида зарур билим ва ахборотларга эга бўлишди. — Таърибасиз тадбиркорларнинг кўп учрайдиган хатолари бўйича сабоқларга алоҳида эътибор қаратаямиз, — дейди қуйи бўғин етакчиси Евгения Сон. — Умуман олганда, дарслар асосида «Қонуниятлар рия қилувчи тадбиркор — давлат ҳамоясида» деган тушунчага ургу бераямиз. Таъкидлаш керакки, бу ташаббусимиз сайловчи ташвиқот ишларимиз сирасидандир.

Инвестициялар

аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда

Маълумки, давлат мулкни хусусийлаштириш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор жиҳатларидан бири бўлиб, жойларда мулкдорлар сафини кенгайтириш ҳамда хусусий тадбиркорлик тарраққиёти учун зарур шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ўтган давр мобайнида вилоятимиздаги 6 мингдан ортиқ корхона, ташкилот ҳамда объектлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчиликнинг турли шакллари жорий этилгани бежиз эмас.

Хусусийлаштириш жараёнида самарадорлигини ошириш мақсадида фаолияти тўхтаб қолган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар сармоя киритиш мажбурияти эвазига ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга бепул берилаётган алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, вилоятимиздаги 66 та корхона ва объектга инвесторлар томонидан 12 млрд. 151 млн. 450 минг сўм ҳамда 5358,3 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш кўзда тутилган. Хозирга қадар ана шу мақсадлар учун 13 млрд. 500 млн. сўм ҳамда 2151,3 минг доллар ҳажмида сармоя йўналтирилди. Инвесторлар томонидан янги, замонавий фаолият турлари йўлга қўйилиши натижасида маҳсулот тайёрлаш ҳажми 5,5-6 баробарга ошиб, 1714 та қўшимча иш ўрни яратилди. Айтиш керакки, инвестиция киритиш шарти билан расмийлаштирилган 11 та шартнома бўйича

мониторинг олиб борилди. Жами инвестициялар миқдори эса 1397 млн. сўм ва 4400 минг АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Бошқармаимиз жамоаси вилоятда давлат тасарруфининг ижросини таъминлаш, хусусийлаштириш манбаларидан тушириладиган маблағларни кўпайтириш, жалб этиладиган инвестициялар ҳисобига корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш йўлида қатъият билан иш олиб бораёпти. Давлат тасарруфидан чиқарилган корхона ва объектларнинг барқарор фаолият юритиши таъминланаётди. Жорий йилнинг айтиш давригача инвесторлар томонидан 8 та корхона ва объектга 3 млрд. 965,6 млн. сўм миқдорида инвестиция киритилиб, 26 та янги иш ўрни яратилди. Давлат тасарруфидан чиқарилаётган иншоотлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспорт маҳсулот тайёрлаш ёки замонавий хизматлар кўрсатиш шарти билан мулкдорларга сотилмоқда. Ўтган йили сотилган 5 та давлат корхонаси ва объектларига 745,8 млн. сўм миқдорида қўшимча сармоялар йўналтирилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш мақсадида бўш турган давлат нотуражой объектлари аниқлаб, уларни ижарага бериш тажрибаси қўлланилмоқда. Йил давомида ўтказилган хатловда вилоят ҳудудида 55982,7 кв.метр майдонга эга 484

та бўш турган давлат нотуражой объекти борлиги маълум бўлди. Улардан 404 таси умумий фойдаланиш учун тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди ва шу ҳисобдан 826112,0 минг сўм маблағ туширилди, 617 нафар йиғит-қиз доимий иш билан таъминланди.

Инвестициявий мажбуриятлар ижроси ҳам доимий назорат қилиб берилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги «Давлат мулк объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 154-сонли қарорига асосан 6 та давлат объекти маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда «Lakro story servis» МЧЖ бюджетдан ташқари Пенсия жағфармаси бўлимига қарашли бўш турган маъмурий ва ёрдамчи бинолар учун 217 млн. сўм миқдорида инвестиция киритиб, савдо, маиший хизмат ва ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйди. Касби туманидаги «Касби сут заводи», Қарши шаҳридаги «Ёғочга қайта ишлов бериш корхонаси» бино ва иншоотлари ҳам ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш шарти билан инвесторларга берилган. Шу тариқа 2014 йилнинг олти ойи мобайнида 156 000 минг сўм ўрнига 191 700 минг сўмлик савдолар амалга оширилди.

Кези келганда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда инвесторлар корхона ва объектларни хусусийлаштириш жараёнида ўз зиммаларига олган мажбуриятларни белгиланган муддатда бажармаган тақдирда тузилган олди-сотди шартномаси бекор қилиниши ҳамда кейинчалик улар бошқа мулкдорларга сотилиши белгиланган. Шунинг учун ҳам бўш турган ва фойдаланилмаётган иншоотлар негизда тадбиркорлик субъектлари сармоялари ҳисобидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ёки хизмат кўрсатиш технологияларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади. Киритилаётган сармоялар эса корхоналар фаолиятини қайта тиклашга хизмат қилибгина қолмай, жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.



Мустафхон СУЛТОНОВ,
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Кашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари

дорликка эришилаётди.

Хусусийлаштириш жараёнининг афзаллиги юқоридаги мисолдан ҳам кўриниб турибди. Фузур туманидаги «Lakro story servis» МЧЖ бюджетдан ташқари Пенсия жағфармаси бўлимига қарашли бўш турган маъмурий ва ёрдамчи бинолар учун 217 млн. сўм миқдорида инвестиция киритиб, савдо, маиший хизмат ва ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйди. Касби туманидаги «Касби сут заводи», Қарши шаҳридаги «Ёғочга қайта ишлов бериш корхонаси» бино ва иншоотлари ҳам ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш шарти билан инвесторларга берилган. Шу тариқа 2014 йилнинг олти ойи мобайнида 156 000 минг сўм ўрнига 191 700 минг сўмлик савдолар амалга оширилди.

Кези келганда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Мулкка эгаллик

қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда инвесторлар корхона ва объектларни хусусийлаштириш жараёнида ўз зиммаларига олган мажбуриятларни белгиланган муддатда бажармаган тақдирда тузилган олди-сотди шартномаси бекор қилиниши ҳамда кейинчалик улар бошқа мулкдорларга сотилиши белгиланган. Шунинг учун ҳам бўш турган ва фойдаланилмаётган иншоотлар негизда тадбиркорлик субъектлари сармоялари ҳисобидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ёки хизмат кўрсатиш технологияларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади. Киритилаётган сармоялар эса корхоналар фаолиятини қайта тиклашга хизмат қилибгина қолмай, жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Партиянинг амалий кўмаги

Истиқлол шарофати билан мулкдор фермер бўлдим. Кўп тармоқли фермер хўжалигимиз тумандаги пешқадамлардан саналади.

Ўтган 2013 йили жамоамиз учун омадли келди. Мавжуд 33 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил етиштиришга эришдик. Ҳалла ҳосилдорлиги эса ҳар 55-60 центнерга тўғри келди. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлди.

Болаликдан спортни, айтганча, футболни жуда яхши кўраман. Лекин футбол майдончаси йўқ қишлоқда катта бўлганини туфайли озуларим армонга айланган. Шу боис биз кўрмаганимиз фарзандларимиз кўрсин, деган мақсадда кўндан ўйлаб юрганам — сунъий қопламали футбол майдони қуришга жазм қилишим. Аммо мақсадимни амалга ошириш учун 42х25 метр ўлчамдаги ер майдонини ҳужжатлаштириш масаласи 3,5-4 йилга чўзилгач, ҳафсалам пир бўлди. Бошлаган ишим ўйда-қўлда қолиб кетди...

Жорий йил бошида халқ депутатлари туман кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Улмас Раҳमतоннинг ташаббуси билан бир гуруҳ илгор фермер хўжалиқлари раҳбарлари қаторида Фарғона водисинда бўлиб, ҳамкасбларимиз амалга ошираётган бўлбодкорлик ишлари билан танишдик. Аксарият қишлоқларда футбол майдонларини қуриб, ҳавасим келди.

Сафардан қайтгандан сўнг бошлаган ишимни охирига етказишга қарор қилиб, О'зЛиДеР депутатлик гуруҳига мурожаат қилдим. Депутатларимиз саяб-ҳаракати туфайли ер ажратиш билан боғлиқ муаммо ижобий ечим топди. Гуруҳ кўмаги билан тезда «Агробанк»нинг туман бўлимидан иттиёзли кредит олиб, қисқа фурсатда футбол майдонини ишга туширдим. Хозир Чорув қишлоғи болалари бу ерда мириқиб тўп суришяпти.

Рауф НИЁЗОВ,
Бухоро туманидаги «Бобозода» фермер хўжалиғи раиси.

Тадбиркорлар — қонун ҳимоясида

Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилган 56 та ўрганиш натижасида ҳокимлик, тижорат банклари, солиқ идоралари, шунингдек, назорат қилувчи бошқа ташкилотларнинг 1878 та ҳолатда қонунбузилишга йўл қўйгани аниқланди

Мухаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

Мазкур бошқарманинг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Санжар Чўлиевнинг таъкидлашича, 2014 йилнинг олти ойида тадбиркорлик субъектлари ишига асоссиз аралаш, уларнинг фаолиятига тўқсинлик қилиш, сабабсиз тўхтатиб қўйиш ва бошқа ҳолатларни бартараф қилиш юзасидан 68 та тақдимнома, 17 та оғоҳнома ва 3 та кўрсатма киритилган.

— Натижада 106 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, давлат бошқарув идораларининг 14 та ноконуний қарори, йиғилиш баёни ва бошқа ҳужжатлари бекор қилинди, — дейди у. — Бундан ташқари, шу йўналишда мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан сулдаларга 20 та маъмурий тақлиф киритилди. Бўлимимизга тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши бўйича тақдим этилаётган мурожаатларнинг натижасидан ишбилармонларнинг ўзлари ҳам тўла хабардор қилинмоқда. Масалан, шу йилнинг дастлабки олти ойи давомида келиб тушган 33 та ариза ва шикоятнинг барчаси қонуний ҳал этилди. «Ишонч телефони» орқали қабул қилинган 21 та мурожаат асосида тадбиркорлар ҳуқуқлари тўла тикланди. Шу билан бирга фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган амалий ёрдам туфайли 50 та кичик бизнес тузилмаси ишини давом эттирди ва 141 та янги иш ўрни яратилди.

Кези келганда, баъзан маҳаллий ҳокимликлар ва давлат бошқаруви органлари тадбиркорларнинг маблағларини турли тадбирларга жалб этиши ёки фаолияти доирасига зид бўлган топшириқларни бериши бўйича ҳам тегишли чоралар қўйилаётганини айтиш жоиз. Масалан, «Агробанк» ОАТБ Иштихон филиали-



да тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш ва банк хизматлари кўрсатишга қонун талабларига риоя этилиши аҳоли ўрганилганда, бухгалтерия бўлими мутасассиси М.Қурбонов томонидан шу ҳудудда фаолият юритаётган «Иштихон ташкилий савдо» МЧЖ томонидан тақдим этилган 7,4 миллион сўмлик тўлов топшириқномаси икки кун ўтгандан кейингина ижро қилинган маълум бўлди. Мазкур қонунбузилиш ҳолати бўйича Жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судига тақлиф киритилиб, банк ходими маъмурий жаримага тортилди.

Бундай ҳолатлар солиқ идоралари фаолиятида ҳам учрайдими. Чунинчи, Ургут туманида фаолият юритаётган «Алижон ширинликлари» оилавий корхонасининг солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ортиқча ҳисобланган солиқни қайта ҳисоб-китоб қилишда ёрдам сўраб ёзган аризаси ўрганилиши натижасида оилавий корхонага 8 млн. 794 минг сўм ўрнига, 1 млн.723 минг сўм қарздорлик ҳисобланди. Тезжалган 7 миллион сўм маблағ эвазига ана 4 та янги иш жойи очилди. Яна бир мисол. Пахтачи туман ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишлар кўриб чиқилганида тадбиркорлик субъектларининг маблағларини турли тадбирларга жалб этиш ёки уларга қонунда белгиланмаган мажбури-

ятларни юклаш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, туман ҳокимининг 2014 йил 8 январдаги қарори иловасида хўжалик юртувчи субъектларга қора металл топшириш режаси белгиланганда. Ваҳоланки, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) Ўзбекистон Республикаси қонунининг 34-моддасига кўра, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашади ҳаққи йўқ. Шу асосда Пахтачи туман ҳокимининг қарори иловаси бекор қилиниб, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш тўғрисида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Ажабланарлиси, шунга ўхшаш ҳолат Оқдарё туманида ҳам қайд этилган. Яъни, туман ҳокимининг 2014 йил 3 январдаги қарори иловасига мувофиқ, тумандаги «Умиджон элита» ва «Оқдарё Юносухон аҳли» хусусий корхоналари, шунингдек, «Саёҳат курилиш сервис», «Оқдарё дехқон бозори», «Фаррух савдо», «Элдора» туман ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишлар кўриб чиқилганида тадбиркорлик субъектларининг маблағларини турли тадбирларга жалб этиш ёки уларга қонунда белгиланмаган мажбури-

Тарғибот гуруҳлари ишга киришди

О'зЛиДеР Навоий вилоят кенгаши ҳузурида ташкил этилган тарғибот гуруҳи томонидан белгиланган режага асосан «Ким эдигу ким бўлди?» деб номланган бош ғоя асосида жойларда ўтказилаётган тадбирлар Ўзбекистонда истиқлол шарофати билан қўлга киритилаётган оламшумул ўзгаришларга бағишланмоқда

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

Гуруҳ томонидан Қизилтепа туманида ўтказилган ана шундай тадбирда туман ҳокими Шабон Набиев тарихан қисқа даврда «пахта якка ҳокимлиги»га барҳам берилиб, хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини шакллантирилгани, иқтисодиёт тармоқларини бозор муносабатлари асосида ривожлантириш, фермерликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари халқро ҳамжамият томонидан ижобий баҳоланаётгани ҳақида маъруза қилди.

Халқ депутатлари туман кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи партия аъзолари, МФЙ раислари, касб-хунар коллежлари, кўп тармоқли фермер хўжалиқлари раҳбарлари, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Солиев жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида мамлакатимизда шакллантирилган икки палатали парламенти қонун ижодкорлиги-

ни янада такомиллаштириш, кучли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш, фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш, аҳоли қатламлари манфаатларини ўзида мужассам этган, турли қараш ва манфаатларга хизмат қиладиган сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти барпо этишдаги иштирокига кенг йўл очувчи меъёрий нормаларнинг қабул қилиниш жараёнида О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг иштироки хусусида батафсил маълумот берди.

— Биз, мустабид тузум давридаги миллий маданиятимиз, урф-одат ва кадрларимизнинг оёқ ости қилинганлиги, мамлакатимизнинг беҳисоб ерости ва ерусти бойликларини талон-тарож қилиш баробарида халқимиз пешонасига «бокиманда» деган тавқи-лаънатни ёпиштиришга уриниш сингари камситишларни бошидан кечирган ёши улуглар истиқлол берган нобиятларга ҳар кун миң бора шукрона айтаемиз, — деди тарғибот гуруҳи аъзоси Исмаилов Сунонов. — Ёмонни кўрмагунча яхшининг қадри етмайсан, деган пурмаъно хикмат бор. Мустаффо осмон остида, тинч ва осойишта турмуш кечираётган ёш авлоднинг бугунги дорилмон кунлар қадрига етиши учун уларга буюк истиқлол ҳақида янада кўпроқ тушунча беришимиз лозим. Токи бугунги тўқин ҳаётга не машаққатлар эвазига эришилганлигини чуқур англаб етсинлар. Озод, обод



ва инсон кадр-қиммати улуғланган Ўзбекистоннинг хур фикрли фуқароси эканлиги билан гуруҳларимиз юрсин.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида О'зЛиДеР Навоий вилоят кенгаши ҳузурида тузил-

ган тарғибот гуруҳи томонидан Навоий эркин иқтисодий индустриал зонаси, Қармана туманидаги Хўжа Хисрав МФЙ, Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиалида ўтказилган тадбирларда ҳам мамлакатимиз ҳаётида туб бурилиш палласини бошлаб берган буюк истиқлол нақадар азиз ва муқаддас эканлиги қайта-қайта ифтихор ила тилга олинди.

ХИЗМАТ ИЛАГАНГА ХИЗМАТДОР ТУП:

«Куним кундан-кунга бўлсин десанг хуш, Илм пайдидан бўл борида эс-хуш, Ҳар варақини ўқиб чиққанда мудом, Ҳаракат қил, тушун барисин тамом».

Низомий ГАНЖАВИЙ.

ЭЪЛОН

Ҳурматли тадбиркорлар!
«GLOBAL SAVDO FAYZ BUХARA» МЧЖ
объектнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Бухоро вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитасига тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1. 1998** йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами **80/249** LAA бўлган «ТИКО» русумли автомашина. Бошланғич баҳоси — **3 792 621** сўм;
- 2. 2003** йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами **80/245** LAA бўлган «MATIZ» русумли автомашина. Бошланғич баҳоси — **10 238 510** сўм;
- 3. 1997** йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами **80/248** LAA бўлган «ТИКО» русумли автомашина. Бошланғич баҳоси — **5 593 510** сўм;
- 4. 1992** йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами **20 АН 353** бўлган «ИЖ-21251» русумли автомашина. Бошланғич баҳоси — **6 47159** сўм.

Аукцион савдоси **2014** йил **26** август куни соат **11.00** да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар **2014** йил **26** августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдолари **2014** йилнинг **29** сентябрь кунлари соат **11.00** да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилаемиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг **10** фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Халқ банки» Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт:

х/р: **20208000405017774001**, МФО: **00116**, ИНН: **302485226**.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Бухоро ш., Мустақиллик кўчаси, **10**-уй. Телефон/факс: **8 (365) 221-54-43**. Хизматлар лицензияланган.

«Машхура»нинг Тошлоқдаги издоши

Утган йили «Микрокредитбанк»нинг Тошлоқ туман филиалидан олган 12 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига замонавий, иш унмдорлиги юқори тикув машиналарини харид қилиб, фаолиятини янада кенгайтирган «Зияева Гулноза» ўқув маркази раҳбари Гулнозахон Зияева оилавий тadbиркорлик ривожига муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимиздан бири сифатида 10 та янги иш ўрни яратди. Ҳозир унинг 50 дан ортиқ шогирди мустақил иш юритяпти. Тошлоқликлар эса вақт сарфлаб, турли кийим-кечак, элнта пардалар учун Марйилон ва Фарғона шаҳарларига қатнамайдиган бўлдилар. Чунки марказ чеварлари тайёрлаётган маҳсулотлар шаҳарлардаги ҳамкасблариникидан сира қолшмайди.

Гулнозахон ҳамisha изланишда, ўқиб-ўрганишдан завқ олади. Вақти-вақти билан пойтахтдаги «Машхура» ўқув марказига бориб, тажриба алмашиб туради. Ушбу йўналишдаги касб-хўнар коллежлари ўқувчилари эса бу ерда амалиётларини ўташ имкониятига эга бўлмоқдалар.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

Мижозларга молиявий мадад

Бугунги кунда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир



Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

«Очиқ мулоқот» самараси

«XXI asr» газетаси тахририяти ташаббуси билан уюштирилган «Очиқ мулоқот» чоғида «Агробанк» мутасаддиларига чорвачилик йўналишида оилавий тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит оломоқчи эканим, аммо бунинг учун гаровга қўядиган мулким йўқлиги ҳақидаги телефон орқали муносабатимга мазкур банкнинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси бошлиғи Комиш Шукуров хонадонимизда қорамол боқиш учун шароит мавжудлигидан келиб чиқиб, менга ҳеч қандай гаров тўловисиз, кафилик асосида кредит ажратилиши мумкинлиги тўғрисида тушунча берганиди. Ушбу тавсия асосида «Агробанк»нинг Пайшанба филиалига муносабат қилиб, менга берилган 4 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига сорин ситир сотиб олдим. Энг муҳими, оилавий корхона очиб, меҳнат дафтарчасига ҳам эга бўлдим. Ушбу уйимда фарзандларим тарбиясидан узилмаган ҳолда ишни бўлдим.

Сарвиноз Жўраева,
Каттақўрғон тумани.

мақсадга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. «Агробанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси жамоаси ҳам кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожланти-

«Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банки Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси давр талабларидан келиб чиқиб, мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини оширишга эришяпти. Жорий йилнинг июль ҳолатига барча молиялаш манбалари ҳисобидан агросаноат соҳасига 15 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилган фикримиз тасдиғидир. Бунинг самараси ўлароқ ҳудудларда 550 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

риш, қишлоқ ва овулларда молиявий барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 июлигача озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун жами 7,7 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Кундалик ҳаётимизда хотин-қизларнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, хонадонни саранжом-саришта сақлаш, комил фарзандлар тарбиялаш борасида

да бизнес соҳасида ҳам самарали фаолият юритишмоқда. Қорақалпоғистонда уларнинг сафи анча кенг. Утган қисқа давр мобайнида аёллар тadbиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 1,6 млрд. сўм кредит маблағи йўналтирилдики, бу жойларда қулай ва замонавий иш шароитларини яратишда жуда қўл келаётир.

Касб-хўнар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ҳам айти пайтда диққат марказида турган муҳим масала.

ХИЗМАТ ИЗЛАГАНГА ХИЗМАТДОР ДУНЁ!

«Китобни тушуниб мутулаа қилиш керак. Баъзан тушуниб мутулаа қилишнинг ўзи ҳам кифоя қилмайди. Фикрлар тез унутилиши мумкин. Бундай ҳолларда айрим зарур фикрларни ёд олиш керак бўлади».

Абдулла ҚОДИРИЙ.

лалардан биридир. Кичик бизнес соҳасида яратилган имтиёзлар, банк хизматлари, кредит ажратиш шартлари ҳамда бизнес-режа тузиш асосларига бағишлаб ўтказилаётган ўқув-семинарларда бўлажак тadbиркорлар фаол иштирок этмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан уларга 305 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди.

Мана, биргина мисол. Шуманай туманидаги «Инвест Сервис Шуманай» хусусий корхонаси раҳбари Руслан Жарилкасиновга полипропилен қоллари тайёрлашга ихтисослашган янги цехни фойдаланишга топшириш учун 274 млн. сўм миқдорда кредит ажратилган эди. Бунинг ҳисобига 23 та янги иш ўрни яратилиб, коллеж битирувчилардан 4 нафарининг бандлиги таъминланди.

Барча ҳудудларда бўлганидек, Қорақалпоғистонда ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётгани ўз-ўзидан маълум. «Агробанк» ҳам ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида айти йўналишда бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига хизмат кўрсатиш соҳаларига 760,0 млн. сўмдан ортиқ кредит маблағи йўналтирилди.

Қисқа қилиб айтганда, банклар билан мижозлар ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. «Агробанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси жамоаси ҳам ўз фаолиятида илгор тажрибаларни қўллаб, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни молиявий рағбатлантириш, сервис соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёналарини такомиллаштириш йўлида сидқидилдан хизмат қилаётир.

Ведущий производитель кровельных и гидроизоляционных материалов ТРЕТЬЕГО ПОКОЛЕНИЯ

Гидроизол для: www.SaxiyHamkor.uz

КРЫШИ
ФУНДАМЕНТА
БЕТОННЫХ ШВОВ

Гидроизол НЕ ПОДВЕРЖЕН БИОЛОГИЧЕСКОМУ И ХИМИЧЕСКОМУ РАЗЛОЖЕНИЮ - ГНИЕНИЮ И КОРРОЗИИ

Тел.: **+(998 93) 592-78-15**
+(998 98) 128-09-01
+(998 71) 248-05-41

E-mail: info@saxiyhamkor.uz

Адрес: ул. Уста-Ширин, Алмазарский район, ориентир: круг Жамий

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов куйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилан.

Танловга инвестициявий жозибдорлик ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унмдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибдор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга қўмақлашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел: **+(99871) 238-69-07, +(99871) 238-69-08.**
Web-site: www.fpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, **100027**, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, **1-уй**, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, **15-кават**. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган «XIMREAKTISERVIS» МЧЖ (СТИР **300593971**) Устав жамғармаси миқдорини **974 955 000** (тўққиз юз етмиш тўрт миллион тўққиз юз эллик беш минг) сўмдан **319 470 000** (уч юз ўн тўққиз миллион тўрт юз етмиш минг) сўмга камайтираётганини маълум қилади.

ҚУТЛОВ

«САМАРҚАНД ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни муборак Рамазон ҳайити билан самимий қутлайди. Муаззам юртимиз равнақиға муносиб улуш қўшаётган фидойи ватандошларимизга соғлиқ-саломатлик, оилаларига файзу барака тилаймиз.

ХИЖМАТ ИЗЛАГАНГА ХИЖМАТДИР ДУНЁ!

«Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир».

Амир ТЕМУР.

Антиқа қонунлар

— Голландияда дам олиш кунлари спиртли ичимлик сотиш қатъиян ман этилган.

— Италияда жамоат жойларида онг ичши, мушт кўтариш мумкин эмас.

— Шотландияда сигарлар ёнида ичши ва маст бўлиш тақиқланган.

— Австралияда болаларнинг тамаки сотиб олишлари тақиқланган. Аммо уларнинг сигарета чекишларини чекловчи бирорта қонун йўқ.

— Хитойда бир инсонни бўғилиб ўлишдан қўтариш ўша одамнинг бошқа дунё билан боғлиқлигини тўхтатиш деган маънода тушунилади. Шу сабабдан уни қўтариб қолиш жиноят саналади.

— Таиландда чайналган сақични ерга ташласангиз, 600 АҚШ доллари миқдорда жаримага тортиласиз.

— АҚШнинг Калифорния штати қонунарига кўра, аёлларнинг автомобиль бошқаришлари ва меҳмонхоналарда тунаб қолишлари тақиқланган. Лос Анжелесда эса одамлар болаларини теридан ишланган камар билан жазолашлари мумкин эмас.

— Гавайида кулоққа пичирлаб гапирини, Луизианада одамни тишлаш қатъиян тақиқланган. Луизианадаги яна бир қонунга бингоан ўрта мактабдан олий таълимгача ҳамма ўқувчилар ўз устозларини «жаноб» ва ёки «хоним» дейишга мажбурдирлар.




ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида истиқомат қилаётган Бозор бобо Ўроқов яқинда 92 ёшни қаршилади. Отахон Иккинчи жаҳон урушида оғир яраланган бўлса-да, Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумида сиргдан ўқиб, шу соҳала меҳнат қилди. Салкам ярим асрлик умрини туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, деҳқончилик маданиятини ошириш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ишига бағишлаган, турли раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилган Б.Ўроқов умр йўлоши Иноят ая билан беш қиз, бир ўғилни билимли ва одобли инсонлар қилиб тарбиялади.

20 нафар неварга, 31 эвара ардоғида умргузаронлик қилаётган нурунийларимиз дуога қўл очар эканлар, уруш офатларини биз кўрдик болаларимиз асло кўрмасин, мамлакат тинч, осмонимиз мусоффо, турмушимиз фаровон бўлаверсин. Ўзбекистонимизни, шундай тўкин ва бахтли ҳаётни яратиб берган Юртбошимизни бало-қазолардан Яратганининг ўзи асрасин, дея ният қилдилар.

Музейга кириш — бепул



Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги қарорига мувофиқ, мактаб ёшидаги болалар сешанба ва жума кунлари мамлакатимиздаги илоравий бўйсунушидан қатъий назар барча давлат музейларига бепул кириш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ташқари, ушбу қарор билан Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳар йили 2-8 сентябрь кунлари юртимизда «Музейлар ҳафталиги»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланганини айтиб ўтиш лозим. Режага кўра, мазкур ҳафталик давомида давлат музейларига кириш барча хоҳловчилар учун бепул бўлади ва турли маданий-маърифий талбирлар ўтказилади.

Дунёда — элликтдан бири. МДХда ягона

Самарқанд АҚШнинг машҳур интернет нашри — «Huffington Post» томонидан эълон қилинган рейтингта мувофиқ сайёрамизнинг сайёҳлар бориб кўриши лозим бўлган 50 та энг гўзал шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Эътиборлиси, МДХ давлатлари шаҳарларидан ушбу рўйхатга фақат Самарқанд киритилган. «Самарқанд Буюк Ипак йўлида барпо этилган қадимий шаҳар бўлиб, унинг худудида қад ростилаган мадрасалару масжидлар, айниқса, Регистон майдонидаги иншоотларнинг нақшинкор безаклари шарқ меъморчилиги намуналаридан бири сифатида эътироф этилишини таъминлайди» дейилади «Huffington Post»да чоп этилган мақолага.

Нашрнинг маълум қилишича, рейтинг Сайёҳларнинг вертуал жамияти — minube.net билан ҳамкорликда тузилган бўлиб, рўйхатга Европанинг 20 та, Осиенинг 15 та, Шимолий ва Жанубий Американинг 10 та, Африканинг тўртта ва Австралианинг битта шаҳри киритилган. Мақола муаллифлари дунё кезишни хуш кўрувчи саёҳатчиларга ҳаётлари давомида ана шу шаҳарларга албатта ташриф буоришни маслаҳат беришган.



Дилбар ЖУМАНОВА тайёрлади.

«Nasaf metall» тренажёрлари

Қарши шаҳридаги «Nasaf metall» масъулияти чекланган жамияти томонидан вилоятда илк бор спорт тренажёрларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳеч бир нарса спортчилик миллатни дунёга тез танита олмайд.

— дейди жамият раҳбари Қарамон Очилов. — Спорт инсон иродаси, мақсалга интилиш туйғусини мустаҳкамлайди, қийинчиликларни сабот билан енгишга ўргатади. Бутун нафақат вилоят маркази, балки туманларда қуриб фойдаланишга тоширилётган иншоотларда ёшларга спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун шaroит яратилган. Биз ҳам йитги-қизларимизни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб қилиш, истеъодларни кашф этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ишига муносиб ҳисса қўшиш ниятладимиз.

Корхонамиз цехларига Россия ва Хитойдан зарур ускуналар олиб келиб ўрнатилган. Айни кунда 30 дан ортққ тренажёр, шунингдек, бошқа темир конструкцияли маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётти. Сақиз нафар кишининг бандлиги таъминланган. Келгусида ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш орқали маҳсулот сифатини янада ошириш кўзда тутилмоқда. Сайфулла ИКРОМОВ.

Марказий Осиёдаги энг узун туннель

Қамчиқ довонда хитойлик мутахассислар томонидан қурилатган «Ангрен-Поп» темир йўл туннели ҳақида репортаж тайёрлаган «Жэньминь жибао» нашрининг қайд этишича, фойдаланишга тоширилган сўнг ушбу иншоот Марказий Осиёда барпо этилган энг узун ер ости йўлига айланади.

— Умумий қиймати 455 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур қурилиш айни кунда Хитой ва Ўзбекистон иттифоқий ҳамкорлиги доирасида имзоланган энг йирик лойиҳа бўлиб турибди, — дейди «Ангрен-Поп» темир йўл линияси лойиҳаси раҳбари, «China Railway Tunnel Group» компанияси раиси уринбосари Чжоу Сяогуан. — 2013 йилнинг сентябрь ойида старт олган улкан бунёдкорлик жараёни уч йилга мўлжалланган. Режага мувофиқ, узунлиги 19,2 км.ни ташкил этувчи туннель 2016 йилнинг 1 августига қадар қуриб битказилади.



Ш.ХУҲАЕВ.

Келесда ушланган 193 та қути

Республикамиз божхоначилари томонидан тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Жумладан, «Келес» темир йўл чегара божхона пости ходимлари «Москва-Тошкент» йўналиши бўйича келган поезди вагонларини кўриклан ўтказиш вақтида янгибўлдиқ М.Ш. томонидан «Т-6» шаклидаги божхона декларациясида қайд этилмаган туриб, олиб ўтишга уринилган товар орасида 3 турдаги 193 қути сигарета борилиги аниқланди.

«Тошкент-Аэро» иттифослаштирилган божхона комплекси ходимлари ҳам тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишини фойш қилди. Жумладан, Истанбулга парвози олдилан самарқандлик Р.А. 2 турдаги 350 қути тамаки маҳсулотини ноқонуний равишда олиб чиқишга уринганда тўхтаб қолинди.

«Тошкент-Рига-Нью-Йорк» рейси бўйича сафарга отланган самарқандлик С.Н. ҳам «қашанда»лар тоифасидан бўлиб чиқди. Қаранг-ки, 2 турдаги 500 қути тамаки маҳсулотини маълум қилиш унинг «ҳаёлидан кўтарилибди».

Сеула қайтиб кетаётган корейлик Ю.Ю эса республикамиздан «эспалик» учун турли сувенирлар ёки амалий саноат буюмларини эмас, 500 қути тамаки маҳсулотини олиб кетишни маъқул кўрибди. Бундан ўзи панд еди, холос.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

7,4 млн. сўмлик махси

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи илоралар вақиллари билан ҳамкорликда тилла буюмларнинг ноқонуний олиб ўтилиши билан боелиқ бир нечта қонунбузарлик ҳолатларига нуқта қўйишди.

Жумладан, «Ғиштқўприк» божхона комплексиде яёв келатган фуқаро Х.Х.нинг безовталаниши шубҳа уйғотиб, ушбу шахс холислар иштирокида шахсий кўриклан ўтказилганда оёғига кийиб олган махси ичига целофан халтача яширилгани аниқланди. Ушбу халтача очиб кўрикланда эса Х.Х. қиймати салкам 7,4 млн. сўмлик 73,47 гр оғирлиқдаги тилла тақинчоқларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб ўтишга урингани фойш бўлди.

Худди шу божхона комплекси орқали қўшни давлатдан кириб келётган ишбдалардан бири Д.М. кўриклан ўтказилганда 22 донга зарғарлик буюмлари яширилгани маълум бўлди. Қиймати салкам 14 млн. сўмлик тилла тақинчоқларнинг оғирлиги 125,74 граммни ташкил қилди. Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати маълумотлари асосида Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.

РЕКЛАМА

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк

миллий ва хорижий валюталарда қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:
«ТАЪТИЛ 2014»
Омонат учун ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«БАРАКАЛИ»
Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ»
Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловлар (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмолад ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юрларида таълим олиш бўйича контракт тўловлари)га йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛЮД»
Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар чоракка ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада:
«ПОДИЁНА» (АҚШ доллариде)
Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фойзалар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга «Асака» банк қулай шартларда миллий ва хорижий валюталарда 90 дан ортққ турдаги омонатларни таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	523-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сергели филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарь вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарь вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарь вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармомиягизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

ЗА3 FORZA
Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

ЗА3
www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.